

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2022 йил сентябрь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида бўлиб,

Раислик этувчи: Х.Холиқов,

судья ёрдамчиси Н.Жумабоеванинг котиблигида, тарафлардан Фарғона туман прокурорининг ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчи О.Икромовнинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Мирзаевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан Икромов Оқилжон Асилжон ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1502-2101/478-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Икромов Оқилжон Асилжон ўғли, 2001 йил 29 май куни Фарғона шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, Фарғона давлат университетининг 3 курс талабаси, муқаддам судланмаган, Фарғона шаҳар, Нафосат МФЙ, Мафтункор кўчаси, 16-уйда яшайди, иш бўйича шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 10 сентябрь куни олдим.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ҳар томонлама, атрофлича, тўла холисона текшириб чиқиб ва баҳолаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи О.Икромов ўғирлик, яъни компьютер тизимида рухсатсиз кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган.

Яъни у, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил июнь ойида Фарғона тумани, Илғор МФЙ, Фаровон турмуш-3 кўчаси, 290-уйда яшовчи Х.Рахимованинг номига АТ “Халқ банки” Фарғона вилоят филиали томонидан 9860xxxx xxxx0376 сонли рақам билан расмийлаштирилган пластик картани, ўзи фойдаланиб келаётган “Samsung A8” русумли телефон аппаратида мавжуд бўлган “ТВС UZ” банк иловасига уланганлигидан ва ушбу пластик карта ҳисобида пул маблағлари борлигидан хабардор бўлиб, ушбу пластик картадаги пул маблағларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, яширин равишда талон-торож қилиб, осон йўллар билан текин даромад орттириш жиноий режасини тузиб, тузилган режага кўра, у 2022 йил 6 июнь кунидан 2022 йил 6 июль кунига қадар йигирма маротаба бўлиб-бўлиб олиш йўли билан жами 2.122.970 сўм миқдордаги пул маблағларини ўзини номига “ТВС” банки томонидан расмийлаштирилган 9860 xxxx xxxx 1465 сонли пластик картага Х.Рахимова



ҳамда атрофдагилардан яширин равишда ўтказиб олишга эришиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида О.Икромов 2022 йил 6 июнь кунидан 2022 йил 6 июль кунига қадар жами 2.122.970 сўм миқдордаги пулларни “ТВС банк” иловаси орқали ечиб олганлиги аниқланиб, фойдаланиб келаётган “Samsung A8” русумли телефон аппарати холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида процессуал тартибда расмийлаштириб олинган.

Судланувчи О.Икромов судда, айбига иқроф бўлиб, у Фарғона давлат университетида таълим олиб келаётганлигини, О.Қодиров унинг таниши бўлишини, 2022 йил февраль ойида таниши О.Қодиров онаси Х.Рахимованинг номига расмийлаштирилган пластик картага “ТВС банк” иловаси орқали кредит пул маблағи олмоқчи бўлиб, пластик картани олиб келиб, у фойдаланиб келаётган телефон рақамига улаб, унинг телефон аппаратида бўлган “ТВС банк” иловаси орқали кредит олмоқчи бўлганини, лекин, О.Қодиров онаси Х.Рахимованинг номига илгари кредит суммаси расмийлаштирилгани сабабли, кредит олишолмаганини, 2022 йил июнь ойида О.Қодировдан муқаддам ололмаган ойлигини сўраганида, у яқинда қайтадан иш бошлашини, ўшанда гаплашишларини айтганини, шундан сўнг, 2022 йил июнь ойида ўзи фойдаланиб келаётган “Самсунг А8” русумли телефон аппаратидаги “ТВС банк” иловасига кирганида, у ерда О.Қодировнинг онасига тегишли бўлган пластик картада пул борлигини кўриб, О.Қодиров унинг иш ҳақини бермай юрганлиги ва ўзи пулга муҳтож бўлганлиги сабабли, ўзининг телефон аппаратидан фойдаланиб, О.Қодиров онаси Х.Рахимовага тегишли бўлган пластик картадан пулларни ишлатиб юраверганини, у асосан пулларни телефони учун пайнетга ҳамда пластик картасига ўтказиб олиб, пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, 2022 йил август ойида ИИБ ходимлари келиб, ундан Х.Рахимова номига расмийлаштирилган пластик картадан ўғирланган пуллар бўйича сўраганида, уларга бор ҳолатни айтиб бериб, уларг ўзи фойдаланиб келаётган телефон аппаратини такдим қилганини, ИИБ ходимлари ҳолат юзасидан холислар иштирокида тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришгани ҳақида кўрсатув бериб, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Х.Рахимова судда, ҳақиқатдан ҳам, у 2005 йилдан буён АТ Халқ банки Фарғона вилоят филиалида мутахассис лавозимида ишлаб келишини, 2021 йил куз ойларида 9860xxxx xxxx0376 рақамли пластик карта унинг номига расмийлаштирилиб берилганини, пластик картасига асосан иш ойлиги ва қўшимча пул тушиб туришини, 2022 йил 6 июль куни унинг пластик картасига 780.000 сўм пул тушганлиги бўйича СМС хабар келганини, орадан бироз вақт ўтиб, у пулини нақдлаштириб олмоқчи бўлиб, пластик картасини текшириб кўрганида, пластик картасидаги пуллар йўқ бўлиб қолганлигини билганини, эртаси куни пластик картасидаги пуллари сарфининг тарихини текшириб кўрганида, пластик картасида бўлган 780.000 сўм миқдоридаги пуллар “ТBS P2P банк” иловаси орқали ўтказиб олинганлигини билганини, у ҳеч қачон “ТBS банк” иловасидан фойдаланмаганлиги сабабли, бирор бир шахс пулларини ечиб олганлигини билиб, у ушбу банкка бориб, унинг пластик картасидаги пулларни қандай тартибда ким томонидан ечиб олинганлигини сўраганида, банк



ходимлари ушбу ҳолат бўйича маълумот бера олмасликларини, ИИБга ариза билан мурожаат қилиши лозимлигини айтишганини, шундан сўнг, у ҳолат юзасидан ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, тергов ҳаракатлари давомида пластик картасидан сарфланган пуллар тарихини кўрганида, унда бир неча бор пластик картасидаги пуллар “ТBS P2P банк” иловаси орқали ечиб олинганлигини, ушбу пулларини ҳисоблаб чиққанида жами 2.122.970 сўм эканлигини билгани ҳақида кўрсатув бериб, унга етказилган зарар судланувчи О.Икромов томонидан қоплаганлигини билдириб, унга нисбатан қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Шунингдек судланувчи О.Икромовнинг айби: ашёвий далилни олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси билан (15 и.в.), гувоҳ О.Қодировни дастлабки терговда берган кўрсатуви билан (27-30 и.в.), нарсани кўздан кечириш а баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар билан (40-43 и.в.), ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан (44-48 и.в.), юзлаштириш баённомаси билан (49-51 и.в.) ҳам тасдиқланган.

Суд, судланувчи О.Икромовнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги ҳулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан О.Икромовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандида, судларнинг эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилган бўлиб, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасига асосан умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги белгиланган.

Иш материаллари ва судда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, судланувчи О.Икромов ўғирлик, яъни компьютер тизимига рухсатсиз кириб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган:

-яъни у, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил июнь ойида Фарғона тумани, Илғор МФЙ, Фаровон турмуш-3 кўчаси, 290-уйда яшовчи Х.Рахимованинг номига АТ “Халқ банки” Фарғона вилоят филиали томонидан 9860xxxx xxxx0376 сонли рақам билан расмийлаштирилган пластик картани, ўзи фойдаланиб келаётган “Samsung A8” русумли телефон аппаратида мавжуд бўлган “ТBS UZ” банк иловасига уланганлигидан ва ушбу пластик карта ҳисобида пул маблағлари борлигидан хабардор бўлиб, ушбу пластик картадаги пул маблағларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, яширин равишда талон-торож қилиб, осон йўллар билан текин даромад орттириш жиноий режасини тузиб, тузилган



режага кўра, у 2022 йил 6 июнь кунидан 2022 йил 6 июль кунига қадар йигирма маротаба бўлиб-бўлиб олиш йўли билан жами 2.122.970 сўм миқдордаги пул маблағларини ўзини номига “ТВС” банки томонидан расмийлаштирилган 9860 хххх хххх 1465 сонли пластик картага Х.Рахимова ҳамда атрофдагилардан яширин равишда талон-торож қилиб, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят содир этган.

Шу сабабли суд, судланувчи О.Икромовнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3 қисмининг “а” бандини чиқаришни лозим топади.

Дастлабки тергов органи томонидан О.Икромовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 1-бандида жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланиши ҳақида;

-мазкур қарорнинг 5-бандида ўзгалар мулкани талончилик ва ўғрилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соқлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрkitиб хужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида “Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади”-деб, кўрсатилган.

Иш хужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи О.Икромов ўғирлик, яъни компьютер тизимига рухсатсиз кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган:

-яъни у, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил июнь ойида Фарғона тумани, Илғор МФЙ, Фаровон турмуш-3 кўчаси, 290-уйда яшовчи Х.Рахимованинг номига АТ “Халқ банки” Фарғона вилоят филиали томонидан 9860хххх хххх0376 сонли рақам билан расмийлаштирилган пластик картани, ўзи фойдаланиб келаётган “Samsung A8” русумли телефон аппаратида мавжуд бўлган “ТВС UZ” банк иловасига уланганлигидан ва ушбу пластик карта ҳисобида пул маблағлари борлигидан хабардор бўлиб, ушбу пластик картадаги пул маблағларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, яширин равишда талон-торож қилиб,



осон йўллар билан текин даромад орттириш жиноий режасини тузиб, тузилган режага кўра, у 2022 йил 6 июнь кунидан 2022 йил 6 июль кунига қадар йигирма мартаба бўлиб-бўлиб олиш йўли билан жами 2.122.970 сўм миқдордаги пул маблағларини ўзини номига “ТВС” банки томонидан расмийлаштирилган 9860 хххх хххх 1465 сонли пластик картага Х.Рахимова ҳамда атрофдагилардан яширин равишда талон-торож қилиб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарорининг 1-бандида "судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим"лиги, Қарорнинг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги қайд этилган Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришга риоя қилиб, судланувчи О.Икромовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда айбига иқrorлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, ёшлигини, Фарғона давлат университетининг 3 курсида тўлов контракти асосида таълим олишини, жабрланувчига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ва жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, оздликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, куйидаги хулосага келади.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшиб сақланаётган:

- О.Икромовга тегишли “Samsung A8” русумли телефон аппаратини ва унинг номига “ТВС” банки томонидан расмийлаштирилган пластик картани қонуний эгаси О.Икромовга қайтаришни;

- Х.Рахимованинг номига АТ “Халқ банки” Фарғона вилоят филиали томонидан расмийлаштирилган пластик картани қонуний эгаси Х.Рахимовага қайтаришни лозим топади.

Суд, иш бўйича жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини эътиборга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 467-468, 471-473 ва 476-моддаларига асосланиб, суд

х у к м қ и л а д и:

Икромов Оқилжон Асилжон ўғлининг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3 қисмининг “а” банди чиқарилсин.

Икромов Оқилжон Асилжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбдор деб топилсин.



Икромов Оқилжон Асилжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин;

жазони ўташ даврида сутканинг соат 22-00 дан соат 06-00 гача бўлган вақтда яшаш жойи Фарғона шаҳар, Нафосат МФЙ, Мафтункор кўчаси, 16-уйдан чиқиш чеклансин;

қўшимча тарзда унинг зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартириш, Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқиш тақиқлари (чеклашлари) юклансин.

Жазони ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро эттириш Фарғона шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Икромов Оқилжон Асилжон ўғлига нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшиб сақланаётган:

- О.Икромовга тегишли “Samsung A8” русумли телефон аппарати ва унинг номига “ТВС” банки томонидан расмийлаштирилган пластик карта қонуний эгаси О.Икромовга қайтарилсин;

- Х.Рахимованинг номига АТ “Халқ банки” Фарғона вилоят филиали томонидан расмийлаштирилган пластик карта қонуний эгаси Х.Рахимовага қайтарилсин.

Иш бўйича жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

Х.Холиқов

нусхаси аслига тўғри:

